BUXORO VILOYATI ROMITAN TUMANI HOKIMINING QARORI

201000, Romitan tumani, Buxoro ko'chasi, 3-uy, tel: (65) 55-2-14-45, romitan.t@exat.uz

2022 - yil 5 - dekabr 560-2-40-Q/22 Romitan tuman hokimligi

Ромитан тумани Афросиёб маҳалла фуқаролари йиғини Шифокорлар кўчасида 3.27 йўл белгиси ўрнатишга рухсат бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелдаги "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги ЎРҚ-348-сонли Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 декабрдаги "Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 370-сонли қарори, Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимяти" тўғрисидаги Қонунининг 6-моддасига асосланиб, ҳамда туман Ички ишлар бўлимининг 2022 йил 27 октябр кунидаги 41/3601-сонли хатини инобатга олган ҳолда;

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ромитан тумани Ички ишлар бўлимининг 2022 йил 27 октябр кунидаги 41/3601-сонли хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан:

- Ромитан тумани Афросиёб маҳалла фуқаролари йиғини Шифокорлар кўчаси бошланишида 3.27 йўл белгиси ўрнатилишига рухсат берилсин. Мазкур йўл белгисининг амал қилиш муддати ҳар куни соат 08:00 дан 17:00 га қадар қилиб белгилансин.

3. Ромитан туман Ички ишлар бўлими (Ш.Ҳайитов) ҳамда туман Йўл ҳаракати ҳавфсизлиги бўлими (Р.Султонов)ларга туман автомобил йўллардан фойдаланиш УК (А.Жумаев) билан келишилган ҳолда:

Ромитан тумани Афросиёб маҳалла фуқаролари йиғини Шифокорлар

кўчаси 3.27 йўл белгиси ўрнатиш вазифаси юклатилсин.

4. Туман ички ишлар бўлими (Ш.Ҳайитов)га ушбу ҳудудда ҳаракатланувчи транспорт воситаларини мазкур йўл белгиларига қатъий риоя қилинишига ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

5. Мазкур қарор оммавий ахборот воситалари ҳамда туман ҳокимлиги расмий эълон қилинган кундан бошлаб қонуний кучга киради.

6. Ромитан туман ҳокимлиги матбуот хизмати (И.Сатторов)га ушбу қарорни “Ромитаннома” газетаси ва туман ҳокимлиги расмий веб-сайтига жойлаштириш вазифаси топширилсин.

7. Ушбу қарорни ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Шодиев зиммасига юклатилсин.

Tuman hokimi **Barnoyev U. I.**